

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

СОБИРОВ АЗИЗБЕК АВАЗБЕКОВИЧ

МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ САВДОСИДА МАРКЕТИНГ
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.11 – Маркетинг

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Content of the dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
economic sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

Собиров Азизбек Авазбекович

Мева-сабзавот маҳсулотлари савдосида маркетинг фаолиятини
такомиллаштириш.....3

Собиров Азизбек Авазбекович

Совершенствование маркетинговой деятельности в торговле плодоовощной
продукции.....27

Sobirov Azizbek Avazbekovich

Improving the marketing activities in the fruit and vegetable trade.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works55

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

СОБИРОВ АЗИЗБЕК АВАЗБЕКОВИЧ

МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ САВДОСИДА МАРКЕТИНГ
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.11 – Маркетинг

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Iqt1037 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziyouet» Ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Фаттахов Адихамджон Азизович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий ошпонентлар:

Болтабаев Маҳмуджон Рустамович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Мадниров Гофуржон Аҳмаджонович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.1.16.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «10» «02» куни соат «14⁰⁰» даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-01-49; факс: (99871) 239-41-23; e-mail: tdiu@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1109 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-75; факс: (99871) 239-28-75.

Диссертация автореферати 2022 йил «21» 01 куни тарқатилди.
(2022 йил «21» 01 даги 3 рақамли реестр баённомаси)



М.П. Эшон

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, и.ф.ф.д., профессор

Д.М. Мавлянов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, и.ф.ф.д.

Ш.Дж. Эргашходжаева

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, и.ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатларида мева-сабзавот маҳсулотлари истеъмолчилари талабини мақсадли ва узлуксиз қондиришни ташкил этишда савдо маркетинги фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. COVID-19 короновирус пандемияси шароитида, айниқса савдо фаолиятини тартибга солиш мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий муаммоси сифатида ўрганилмоқда. Жаҳон банки маълумотларига кўра, халқаро савдо айланмаси «2019 йилда 0,1 фоизга пасайган бўлса, 2020 йилда 2019 йилга нисбатан қарийб 10,1 фоизга пасайиш кузатилди»¹. Мамлакатлар чегараларининг ёпилиши ва таъминотнинг узилиши халқаро товар ва хизматларни етказиб бериш, айниқса мева-сабзавот маҳсулотлари савдоси ривожланишига тўсиқ бўлаётганлиги савдода инновацион ечимлар топиш муаммосини юзага келтирмоқда.

Жаҳонда товарлар бозоридаги инфратузилмавий ўзгаришлар, чакана ва улгуржи савдонинг замонавий кўринишлари пайдо бўлиши, корхоналарнинг рақобат ва истеъмолчи учун курашидаги инновацион фаоллиги ҳамда уларнинг мақсад, манфаат, функция ва жараёнларидаги фарқлар замонавий савдо маркетингида сезиларли ўзгаришларни талаб этади. Савдо маркетингининг асосий объектлари ҳисобланган ишлаб чиқарувчилар, дистрибьюторлар, улгуржи ва чакана савдо корхоналари ўртасидаги бизнес муносабатларига асосланган узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик стратегияларини ишлаб чиқиш масалаларига бағишланган илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари савдо-логистика, сотиш ва сақлаш жараёнларини мувофиқлаштириш, бизнес юритишда самарали маркетинг стратегияларидан фойдаланиш асосида иқтисодий ўсишга эришишга қаратилган йўналишларга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада, «янги мақсадли экспорт бозорларида савдо келишувларини амалга ошириш», «маҳаллий ва мақсадли халқаро бозорларда маҳсулотларнинг маркетинги ва ташиш харажатларини камайтириш»² сингари вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси мева-сабзавот маҳсулотлари бозорининг савдо маркетинги фаолиятида ишлаб чиқиш, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчи, сақловчи ва уни улгуржи ҳамда чакана сотувчиларнинг ўзаро мутаносиб фаолиятини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш, муносабатлар маркетинги ҳамда истеъмол қийматини яратишнинг маркетинг стратегияларидан фойдаланиш борасидаги илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал

¹<https://pubdocs.worldbank.org/en/892631599838729846/Global-Economic-Prospect-2021-January-2021-Analysis-SAR.pdf>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон фармони

ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5813-сон «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мева-сабзавот маҳсулотларини сотишда маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш масалалари хорижлик олимлар К.Anderson, L.Gilbert, Y.Ramkishen, Ф.Котлер, G.Chauhan, С.Anbalagan, Ph.Kotler, W.Pfoertsch, R.McNeil, M.Hutt, W.Speh, A.Zimmerman, J.Blythe, E.Websterларнинг илмий ишлари классик асарларга айланган³. Ушбу узоқ хориж олимлари савдо маркетинг, бизнес маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, савдо маркетингида ўзаро муносабатлар назарияси ва амалиётини шакллантиришга кўшган салмоқли ҳиссасига қарамай, мева-сабзавот маҳсулотлари бозор субъектларининг савдо маркетинг тизимини ташкил этиш ва уларда истеъмолчиларга кўшилган қиймат яратиш масалалари деярли ўрганилмаган. Мазкур ишларда мева-сабзавот маҳсулотлари бозорида савдо маркетинги соҳасининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинмаган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан мева-сабзавот маҳсулотларини савдо маркетинг фаолиятини шакллантириш ва стратегияларини ишлаб чиқиш масалалари Г.А.Баклаженко, А.Н.Германчук, О.Л.Ёжикова, А.М.Каган, О.В.Кирилова, А.Папцов, О.Н.Фетюхина, К.Э.Улугова⁴ ва бошқаларнинг тадқиқотларида кенг баён қилинган.

³Anderson K. Agricultural Price and Trade Policy Reform in Developing Countries Since. London-2010. – 112 p.; Gilbert L. Commodity Speculation and Commodity Investment. University of Trento. Italy-2008. – 132 p.; Ramkishen, Y. New Perspectives in Rural and Agricultural marketing. 2nd ed., Jaico Publications, Mumbai, India-2004. - 87 p.; Котлер Ф. Основы маркетинга. Вильямс. М.: 2007. – 54 с.; Chauhan, Gyan; Anbalagan, C. "Strategy and Trends in B2B Business: Opportunities and Challenges - A Global Prospective" (PDF). International Faculty and Student Multi-Research Consortium. Archived from the original (PDF) on 1 September 2015. Retrieved 3 August 2015; Ph.Kotler, W.Pfoertsch: "B2B Brand Management", page 53. Springer Berlin, 2006.; R.Mcneil. Business to business market research. Understanding and measuring business markets. London & Sterling, VA. 2005.; M.D.Hutt, W. Speh. Business Marketing Management: B2B. © 2010 Cengage Learning. All Rights Reserved. P 619.; A.Zimmerman, J.Blythe. Business to Business Marketing Management: A Global Perspective. Second edition. © 2013 Alan Zimmerman and Jim Blythe.; Industrial Marketing Strategy (Wiley Series on Marketing Management) by Frederick E. Webster Jr. (1984-09-19) Hardcover – January 1, 1774.

⁴Баклаженко, Г.А. Развитие сельскохозяйственного маркетинга / Г.А. Баклаженко, Л.А. Смирнова.// Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. – 2005. – № 2. – С. 21–24.; Германчук

Республикамизнинг иқтисодчи олимларидан А.Бекмуродов, М.Болтабаев, М.Қосимова, А.Солиев, Ш.Эргашходжаева, И.Иватов, Н.Йўлдошев, А.Фаттахов ва Б.Абдукаримовнинг⁵ тадқиқот ишлари савдо маркетинги ва унинг илмий-назарий асосларини яратишга қаратилган бўлиб, муаллифлар савдо маркетинги назариясини янги маълумотлар билан бойитиб, маҳаллий ва хорижий бозорларда корхоналар фаолиятининг савдо самарадорлигини ошириш муаммоларини илмий тадқиқ этганлар. Шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш тизими, ички ва ташқи савдоси ҳамда маркетинг каналлари иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини ривожлаштириш масалаларининг назарий-услубий асослари Я.Алиев, У.П.Умурзаков, Х.С.Хушвақтова, Н.Р.Асадулина, У.С.Мухиддинова ва Т.А.Мамаджанованинг илмий ишларида ўрганилган⁶.

Дисертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий

А.Н. Формирование системы трейд-маркетинга на основе ценностно-логистического взаимодействия. 08.00.05/ дис. Док. экон. Наук. - Донецк-2019, ст-475; Ёжикова, О.Л. Совершенствование производственно-сбытовой стратегии предприятий овощного подкомплекса / О.Л. Ёжикова // Актуальные проблемы инновационного развития агропромышленного комплекса Беларуси: материалы Междунар. науч.-практ. конф., Горки, 11–12 сентября 2008 г. / Белорус. гос. с.-х. академия; редкол.: А.М. Каган [и др.]. – Минск: Ин-т системных исследований в АПК НАН Беларуси, 2009. – С. 122–124.; Кирилова, О.В. Совершенствование маркетинговой деятельности в АПК (на примере Тюменской области): автореф. дис. канд. экон. наук: 08.00.05 / О.В. Кирилова; Тюменская гос. с.-х. академия. – Екатеринбург, 2004. – 25 с.; Папцов, А. Контрактация и сбытовая кооперация в системе отношений в аграрном секторе стран Европейского союза / А. Папцов // АПК: экономика, управление. – 2008. – № 9. – С. 63–67.; Фетюхина, О.Н. Динамика структур подсистем оптовой и розничной торговли глобальной цепи продовольствия / О.Н. Фетюхина // Маркетинг в России и за рубежом. – 2007. – № 4. – С. 67–74.; Улугова К. Э. Правовое регулирование предпринимательской деятельности в сфере дистрибуции: частноправовой и публично-правовой аспекты. дис. канд. экон. наук: 12.00.03/ Москва — 2015. Ст -278.

⁵ Бекмуродов А.Ш. Эффективность маркетинга средств производства предприятий. дисс.на соик.учен.степ.доктора экон.наук. – Т.; 1993г-308 стр.; Болтабаев М.Р. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси. икт. фан. докт. илм. дар. олиш учун ёзилган дис. – Т.;–2005.-342 б.; Касимова М.С. Развитие социальной сферы Узбекистана в период перехода на рыночные отношения в условиях самостоятельности и независимости. дисс.на соик.учен.степ.доктора экон.наук. – Т.; 1992 г.; Солиев А. Маркетинг. Бозоршунослик. «Art-Fleks».–Т.;2008 й. Эргашходжаева.Ш.Дж. Бозор рақобати шароитида қишлоқ жойларида кооперацияни ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси. Икт. фан. докт. илм. дар. олиш учун ёзилган дис.– Т.;2007.335 б.; Иватов.И. Ўзбекистон деҳқон бозорида маркетинг фаолиятини ривожлантиришнинг истикболлари. икт.фан.докт.илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. – Т.;–2003; Йўлдошев Н.К. Стратегик менежмент. Ўқув қўлланма. – Т.; ТДИУ, 2003, -102 б.; Фаттахов А.А. Улгуржи савдода маркетинг стратегияси ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари. икт. фан. докт. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.–Т.; – 2006.-250 б.; Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. – Тошкент 2007 й.;

⁶ Алиев Я. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш. Икт. фан. докт. илм. дар. олиш учун ёзилган дис. автореф.– Т.;2018. 38 б.; Мухиддинова У.С. Мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари бозори ва унинг иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш шароитларида фаолият кўрсатиш самарадорлиги икт. фан. докт. илм. дар. олиш учун ёзилган дис. – Т.; 2009.174 б.; Умурзаков У.П. Пути повышения эффективности использования ресурсного потенциала аграрного сектора экономики (на материалах Республики Узбекистан). Автореф. дисс. на соис. учен. степ. д-ра экон. наук.–Т.; 2003.43 с.; Хушвақтова Х.С. Бозор шароитида мева-сабзавот кичик мажмуасида агросаноатинтеграциясини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий муаммолари. Икт. фан. ном. илм. дар. олиш учун ёзилган дис.автореф.– Т.; 2005.25 б.; Асадулина Н.Р. Механизм регулирования эффективности плодоовощного комплекса Республики Узбекистан на основе логистического подхода. Дисс. на соис. учен. степ. канд. экон. наук. – Т.; 2006. 158 с.; Мамаджанова Т.А. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ривожлантиришнинг маркетинг стратегиясини такомиллаштириш. 08.00.11– Маркетинг. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Т.; 2018. 30 б.

тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, ОТ-Ф1-155 «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнида харажатлар миқдорини камайтириш, таркибини такомиллаштиришнинг фундаментал (назарий) асосларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мева-сабзавот маҳсулотлари савдосида маркетинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мева-сабзавот маҳсулотлари савдо маркетинги назарияларини ўрганиш ҳамда маркетинг фаолиятини ташкил этиш хусусиятларини аниқлаш;

мева-сабзавот маҳсулотлари савдо маркетинги ва назарияси ҳамда миқдорларга қиймат яратишга қаратилган маркетинг фаолиятини ташкил этишнинг замонавий моделларини ўрганиш;

мева-сабзавот маҳсулотлари савдосида маркетинг каналлари фаолиятини тавсифлаш ва қиймат занжиридаги иштирокчиларни аниқлаш;

мева-сабзавот маҳсулотлари бозорининг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш;

мева-сабзавот маҳсулотлари савдосида маркетинг фаолиятини ташкил этишнинг мавжуд тизими ва савдо иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳолатига баҳо бериш;

мева-сабзавот маҳсулотлари бозори иштирокчиларининг савдо маркетинг фаолиятини баҳолаш бўйича услубий ёндашувларни ишлаб чиқиш;

мева-сабзавот маҳсулотлари савдоси фаолиятида ўзаро муносабатлар бўйича маркетинг стратегиясидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

мева-сабзавот маҳсулотлари савдо маркетингида RFM (Recency Frequency Monetary) стратегияларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона вилоятида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчи ва унинг савдоси билан шуғулланувчи корхоналар олинган.

Тадқиқотнинг предмети мева-сабзавот маҳсулотлари бозорида савдо маркетинги фаолиятини такомиллаштириш жараёнида юзага келувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида статистик таҳлил, омилли таҳлил, эксперт таҳлил, сўров, танланма кузатув, корреляцион-регрессион таҳлил сингари усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мева-сабзавот маҳсулотлари савдосида иштирок этувчиларнинг маҳсулот ялпи ҳосили, таннархи ва харажатлари муносабатларида яқиний истеъмолчиларга қўшимча қиймат яратиш асосланган;

мева-сабзавот маҳсулотлари бозорида етиштирувчи, улгуржи ва чакана савдо корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш даврий қиймат ўлчовини киритиш асосида такомиллаштирилган;

мева-сабзавот маҳсулотлари савдосида иштирок этувчи хўжалик субъеклари муносабатларини «мижоз билан муносабатлар давомийлиги», «мижоз буюртмаси такрорланиш сони» ва «маълум вақт давомида жами буюртмалар ҳажми» мезонларига кўра ҳамкорлик муносабатларини «паст» – (1,6-5,0); «ўрта» – (5,1-6,6); «юқори» – (6,7-8,4) ораликларда баҳолаш таклиф этилган;

Фарғона вилоятида етиштирилаётган мева-сабзавотлар чакана савдо айланмасининг истеъмолчиларга қўшимча қиймат яратиши, даврий қиймат ўлчовини киритиши ҳамда ўзаро муносабатларини баҳолашнинг 2025 йилгача бўлган прогнози ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мева-сабзавот маҳсулотлари савдо маркетингида ўзаро муносабатлар тизими ишлаб чиқарувчи, улгуржи ва чакана савдо корхоналарининг маркетинг соҳасида ҳамкорлигини таъминлаш модели асосида такомиллаштирилган;

мева-сабзавот маҳсулотлари савдо маркетинги самарадорлигини баҳолашнинг услубий ёндашуви таклиф этилган;

мева-сабзавот маҳсулотлари бозорида бизнес шериклар билан ўзаро муносабатларни ташкил этиш жараёнлари таснифи ишлаб чиқилган;

мева-сабзавот маҳсулотлари бозорида бизнеснинг савдо маркетинг тизимида ўзаро муносабатлар стратегияси модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижалари ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илғор хориж тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш, мева-сабзавот маҳсулотлари савдо тармоқларида маркетинг фаолиятини такомиллаштириш борасидаги мавжуд илмий тадқиқот ишларини қиёсий ва танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, ахборотлар базасининг миллий ва халқаро нуфузли ташкилотларнинг расмий манбаларидан олинганлиги ва улар самарали таҳлил усулларида фойдаланиш орқали қайта ишланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлиги Фарғона вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармасининг статистик маълумотлари, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлилига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти савдо маркетинги фаолиятини шакллантириш ҳамда улардан келгусида мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва сотувчи корхоналар маркетинг фаолиятини ривожлантиришга бағишланган махсус стратегик дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни республикамизда мева-сабзавот маҳсулотларини сотувчи корхоналар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, бозорларга йўналтирилган маркетинг стратегияларини такомиллаштиришда қўллаш мумкинлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларидан «Стратегик маркетинг», «Савдо маркетинги», «Таъминот занжирини бошқариш», «B2B маркетинг» ва

«Маркетинг тадқиқотлари» фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мева-сабзавот маҳсулотлари маркетингида савдо фаолиятини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

мева-сабзавот маҳсулотлари савдосида иштирок этувчиларнинг маҳсулот ялпи ҳосили, таннархи ва харажатлари муносабатларида якуний истеъмолчиларга қўшимча қиймат яратиш таклифи Фарғона вилоятидаги мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчи корхоналар фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 26 октябрдаги 11/05-15-8997-сон ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 04 ноябрдаги 05/032-4493-сон маълумотномалари). Илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Фарғона вилоятида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчи ва уларни қайта ишловчи корхоналарнинг маркетинг ва ташиш харажатларини 2,1 фоизга камайтиришга эришилган;

мева-сабзавот маҳсулотлари бозорида етиштирувчи, улгуржи ва чакана савдо корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш даврий қиймат ўлчовини киритиш асосида такомиллаштириш таклифи Фарғона вилояти Бувайда туманида фаолият юритаётган боғдорчилик хўжаликлари, чакана ва улгуржи савдо корхоналари фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 26 октябрдаги 11/05-15-8997-сон ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 04 ноябрдаги 05/032-4493-сон маълумотномалари). Илмий янгиликнинг жорий этилиши натижасида Фарғона вилояти Бувайда туманида фаолият юритаётган «Anvarjon Adxamjon» фермер хўжалигининг савдо ва логистика фаолияти бўйича харажатлари 3,6 фоизга ҳамда, «Iskandar Javohir Invest» хусусий корхонасининг савдо харажатларини 5,4 фоизга камайтиришга эришилган;

мева-сабзавот маҳсулотлари савдосида иштирок этувчи хўжалик субъеклари муносабатларини «мижоз билан муносабатлар давомийлиги», «мижоз буюртмаси такрорланиш сони» ва «маълум вақт давомида жами буюртмалар ҳажми» мезонларига кўра ҳамкорлик муносабатларини «паст» – (1,6-5,0); «ўрта» – (5,1-6,6); «юқори» – (6,7-8,4) оралиқларда баҳолаш таклифи Фарғона вилояти Бувайда туманида фаолият юритувчи «Anvarjon Adxamjon» фермер хўжалиги фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 26 октябрдаги 11/05-15-8997-сон ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 04 ноябрдаги 05/032-4493-сон маълумотномалари). Илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши натижасида «Anvarjon Adxamjon» фермер хўжалигининг савдо рентабеллиги 5,6 фоизга ошган.

Фарғона вилоятида етиштирилаётган мева-сабзавотлар чакана савдо айланмасининг истеъмолчиларга қўшимча қиймат яратиши, даврий қиймат ўлчовини киритиши ҳамда ўзаро муносабатларини баҳолашнинг 2025 йилгача бўлган прогнози Фарғона вилояти мева-сабзавот маҳсулотлари

бозорида иштирок этувчи корхоналар фаолияти бўйича ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 26 октябрдаги 11/05-15-8997-сон ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 04 ноябрдаги 05/032-4493-сон маълумотномалари). Натижада Фарғона вилоятида корхоналарнинг мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирувчи деҳқон хўжаликларидан чакана савдогача бўлган бўғинларда транзакция харажатлари 2,9 фоизга пасайиши ҳамда ички бозордаги мева-сабзавот маҳсулотларининг бозор нархлари 2,3 фоизга пасайиши прогноз қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари асосида 3 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация иши мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларида 5 та илмий мақола (3 таси республика ва 2 та хорижий журналларда), илмий-амалий конференциялар тўпламларида 4 та маъруза тезиси чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибан кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 151 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот иши мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг илмий ишлар режалари билан алоқадорлиги аниқланган, диссертациянинг илмий янгилиги, илмий натижалари, илмий ва амалий аҳамияти келтирилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқи, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Мева-сабзавот маҳсулотлари савдосида маркетинг фаолиятини ташкил этишнинг илмий-назарий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида мева-сабзавот маҳсулотларининг савдо маркетинги ва назарияси ўрганилган, мева-сабзавот маҳсулотлари савдосида маркетинг фаолиятини ташкил этиш хусусиятлари тадқиқ этилган, савдо маркетингида истеъмолчиларга қиймат яратишга қаратилган замонавий моделлар яратилган ва маркетинг каналлари фаолияти тавсифланган.

Мева-сабзавот маҳсулотлари бозори инфратузилмасидаги ўзгаришлар, чакана ва улгуржи савдонинг инновацион ҳамда ўзига хос йўналишлари келиши ва электрон савдо тизимининг ривожланиб бориши корхоналар учун рақобат ва харидор учун курашда инновацион ечимлардан фойдаланишни тақозо этмоқда. Ишлаб чиқарувчилар нафақат товарларни етказиб бериш бўйича инновациялар, балки арзон нархларни белгилаш учун маҳсулот ишлаб чиқаришда харажатларни камайтириш йўллари ва мижозларга қиймат

яратишнинг янгича ёндашувларини ҳисобга олган ҳолда товарларни якуний истеъмолчига (харидор) етказишнинг замонавий усулларидан фойдаланиш орқали рақобатбардошликка эришмоқдалар.

Бундай шароитда мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, воситачилар, улгуржи ва чакана савдо корхоналари ўртасида ўзаро бизнес алоқаларининг ривожланиши ва маркетинг фаолиятини ҳамкорликда режалаштириш асосида узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатиш орқали самарадорликни ошириш зарурати асосий йўналишга айланган. Корхоналарнинг анъанавий маркетинг фаолиятини амалга оширишдаги янги йўналиш сифатида «савдо маркетинги»нинг шаклланиши ва ривожланиши рақобатда устунликка эришишда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, аввало «савдо» ва «савдо маркетинги» тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг мазмун-моҳиятини англаш муҳим аҳамият касб этади.

Савдо анъанавий классик маркетингининг асосий категорияси ҳисобланиб, тор маънода товар муомаласининг бир тури, меҳнат маҳсулотлари ва хизматларни олди-сотди йўли билан айирбошлаш шакли сифатида ўрганилади. Кенг маънода эса, савдо мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида энг муҳим соҳа сифатида, бозорни ҳаракатга келтирувчи, товар-пул муомала жараёнини юзага келтиришга шароит яратувчи фаолият сифатида тушунилади. «Савдо маркетинги» корхоналар анъанавий маркетинг фаолиятини амалга оширишдаги янги йўналиш сифатида шаклланиши ва ривожланиши рақобат шароитида муҳим аҳамиятга эга.

Савдо маркетинги замонавий маркетинг назарияларида турли хил даражада қўлланилади. Маркетинг назарияларида «савдо маркетинги» ривожланишининг 3 асосий босқичи кузатилади: савдо маркетинги (1970-1991 й), интерактив савдо маркетинги (1992-1999 й), стратегик савдо маркетинги (2000 йилдан hozirgacha). Эволюцион ривожланишга кўра, савдо маркетинги назариялари жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденцияларида эски назария сифатида қаралса-да, маркетингнинг истеъмолчиларга йўналтирилган концепцияси доирасида унинг аҳамияти янада долзарбланиши кузатилмоқда.

Савдо маркетингидан фойдаланиш фақат чакана ёки улгуржи савдо соҳасидаги компаниялар томонидан қўлланилувчи маҳсулотларнинг сотилишини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар мажмуидан фойдаланиш эмас, балки бунда қиймат яратишни назарда тутувчи концепция сифатида ўрганиш лозим.

Савдо маркетинги назариялари корхоналар учун қиймат яратишга йўналтирилган концепциядан маркетингнинг истеъмолчига йўналтирилган, яъни истеъмолчига қиймат яратишга қаратилган замонавий концепцияни шакллантириш халқаро амалиётда ўрганилиши лозим бўлган илмий муаммо сифатида қаралади. Шунга асосланганда, муаллифнинг фикрича, савдо маркетинги маҳсулот маркетинг каналлари бўйлаб тақсимланишида юзага келувчи жараёнларда истеъмолчиларга қўшимча қиймат яратишни назарда

тутувчи кафолатланган ўзаро мақсадли бозор муносабатлари мажмуи сифатида ўрганилган.

Савдонинг ривожланиш тенденциялари битимлардан муносабатларга ўтишни шакллантирди, чунки рақобат кучайиб бориши қисқа муддатли операцияларни амалга ошириш билан бир қаторда, корхоналар, дистрибьюторлар, дилерлар, етказиб берувчилар билан истеъмолчиларнинг узок муддатли ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатишларига эришилади. Савдо маркетинги тақсимот каналларидаги фаолият сифатида ўрганилади, товарларнинг ҳаракатланиши ва ишлаб чиқаришдан истеъмолга йўналтирилган ахборот оқимларини, якуний истеъмолчилар эҳтиёжларини қондириш, яхлит бизнес кооперацияси ва маркетинг орқали товарларнинг якуний истеъмолчи қийматини оширишга йўналтирилган тарқатиш тизимидаги иштирокчиларнинг ўзаро таъсири сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Қиймат таклифи истеъмолчиларга тарқатиш тизими иштирокчиларига тақдим этилувчи имтиёзлар тўплами сифатида ўрганилади. Сўнги йилларда истеъмолчиларга қиймат яратишнинг бизнес моделларини ишлаб чиқишдаги ёндашувлар муҳим аҳамият касб этмоқда, сабаби корхонанинг муваффақияти ўз бизнесини истеъмолчилар эҳтиёжларига мослаштириш қобилиятига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Муаллифнинг илмий-назарий фикрлари асосида мева-сабзавот маҳсулотлари савдо маркетинги фаолиятида истеъмолчи ва ҳамкорлар билан ўзаро муносабатлар асосида қиймат яратишнинг ўзаро боғлиқ схемаси таклиф этилади (1-расм).

Таъкидлаш керакки, мева-сабзавот маҳсулотлари савдо маркетинги анъанавий савдо тушунчасидан фарқли ўлароқ, уни савдо нукталарида товарларни илгари суриш ва сотувчиларни рағбатлантиришга қаратилган восита ҳисобланади. Таклиф этилаётган ёндашув янада кенгроқ бўлиб, ишлаб чиқарувчилар ва улар ўртасидаги бизнес ҳамкорлик модели сотиш, товар, нархлар, ташиш ҳамда сақлаш хизмати, коммуникация стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида тарқатиш каналларидаги маркетинг иштирокчиларининг мураккаб ўзаро таъсирини таъминлашга қаратилади.

«Мева-сабзавот маҳсулотлари савдосида маркетинг фаолиятидан фойдаланиш ҳолати таҳлили» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари бозорининг ривожланиш тенденциялари ва маҳсулотлар маркетинг каналлари иштирокчиларининг фаолияти таҳлил қилинган. Мева-сабзавот маҳсулотлари савдо маркетинги самарадорлигини баҳолаш усуллари ва методологик ёндашувлар тавсифланган.



1-расм. Мева-сабзавот маҳсулотлари савдо маркетинг каналларида истеъмолчи ва ҳамкорлар билан ўзаро шартномавий муносабатлар асосида қиймат яратишнинг ўзаро боғлиқ схемаси⁷

⁷ Муаллиф ишланмаси.

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги мева-сабзавот ва узум етиштирувчи энг йирик ҳудуд ҳисобланади. Унда шафтоли, олма, узум ва сабзавотларнинг юзлаб турлари етиштирилади. Ҳар йили жаҳон бозорига 500 минг тоннадан ортиқ мева ва 500 минг тоннага яқин узум етказиб берилади. Сабзавот маҳсулотларининг асосий қисми қайта ишланмайди. Узумнинг асосий қисми, яъни техник нави қайта ишланади. Шунингдек, хўраки узумнинг кўпгина навлари ҳосили тез сифатини йўқотиши туфайли кўпроқ қисми қайта ишланади ёки қуритилади.


Мева-сабзавотчилик Ўзбекистон учун жаҳон аграр ва қишлоқ хўжалиги бозорларига интеграциялашув ва валюта тушумини таъминлаб берувчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда йилига 20 миллион тонна мева-сабзавот етиштирилади. Лекин уларни саноат усулида қайта ишлаш даражаси атиги 15 фоиз бўлиб, шундан 7-8 фоизи экспорт қилинмоқда. Инфратузилма етарли эмаслиги туфайли йиғиштириш ва сақлаш жараёнида 30 фоиз маҳсулотлар йўқотилмоқда.

Фарғона вилояти қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш кенг ривожланган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Фарғона вилояти ҳудудларининг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда боғдорчилик, узумчилик, сабзавот-полизчилик, картошкачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган.

Фарғона вилоятида республикадаги сабзавот етиштирилдиган майдонлар умумий экин майдонларининг 2010 йилда 9,3 фоизи тўғри келиб, жами республикада етиштирилган ҳосилнинг 7,3 фоизи етиштирилган. Вилоятда 2020 йилга келиб, сабзавотлар етиштирилдиган майдонлар вилоятдаги жами экин майдонларининг 11 фоизи тўғри келиб, республикада жами етиштирилган ҳосилнинг 10,8 фоизи тўғри келган. Фарғона вилояти сабзавотлар экин майдонлари бўйича республикада 3 йирик ҳудуд ҳисобланиб, 2020 йилда ҳосил етиштириш бўйича ҳам 3 ўриндаги вилоят сифатида қайд этилган. 2015 йилда Фарғона вилоятида етиштирилган меваларнинг 17,1 фоизи вилоятнинг ўзида қайта ишланган бўлса, 2020 йилга келиб, бу кўрсаткич 18,5 фоизни ташкил этган. Республика даражасига нисбатан таққосланганда, Фарғона вилоятида меваларни қайта ишлаш, қуритиш ва улардан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича кенг тажриба тўпланган бўлса-да, республика билан таққосланганда деярли тенг позицияда.

Фарғона вилоятининг экспорти ҳам йиллар давомида ошиб борган. 2010-2020 йилларда вилоятнинг мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажми республиканинг жами экспортига нисбатан кўрсаткичга эга (2-расм).

Фарғона вилоятининг республика экспортидаги улуши 2005 йилда 11,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 5,3 фоизга пасайган, 2015 йилдан бошлаб, вилоятнинг улуши ошиб борган ва 2020 йилда энг юқори кўрсаткичга, яъни 18,8 фоизга ортган.



2-расм. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти⁸
(млн. АҚШ доллари)

Мева-сабзавот маҳсулотлари бозори иқтисодий муносабатларнинг турли қатнашчиларидан иборат. Уларни ишлаб чиқаришдан якуний истеъмолгача бўлган такрор ишлаб чиқариш жараёнлари умумий занжирида иштирок этиш характериға қараб, қуйидаги бўғин ва гуруҳларға ажратиш мумкин:

а) қишлоқ хўжалиғи хомашёси кўринишида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчилар, тайёрлаш ва сақлаш корхоналари ҳамда маҳсулотни саноат усулида қайта ишлаш, қадоқлаш корхоналари;

б) мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш бўйича савдо тармоғи ва бозор субъектларига кредит ҳамда молиявий хизматлар кўрсатиш бўйича банк тизими муассасалари;

в) мева-сабзавот маҳсулотлари бозори қатнашчилари иқтисодий муносабатларини бошқариш ва тартибга солиш бўйича давлат ҳамда бошқа маъмурий тузилмалар.

Мева-сабзавот маҳсулотлари маркетинг каналлари иштирокчилари таркиби кўп сонли ва фаолият характери бўйича хилма-хилдир.

Ўзбекистонда мева ва сабзавотлар асосан дехқон ва фермер хўжаликлари томонидан етиштирилади. Мустақиллик йилларида улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш борасида бир қатор истлоҳотлар амалға оширилган. Бироқ иқтисодий фаолият тури мева ва сабзавотлар етиштириш бўлган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий молиявий кўрсаткичларига назар ташланса, 2020 йилдаги фаолияти 156101,8 млн.сўм зарар билан якунланган.

Улгуржи савдо ва тайёрлов корхоналари ҳам қишлоқ хўжалиғидаги қиймат занжири иштирокичларининг асосий бўғини ҳисобланади. 2019 йилда мева-сабзавот савдосида улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар сони 900 тадан ошган. Улгуржи савдо корхоналари сони йил сайин кўпайиб боришиға қарамай (2016 йилда 671 та, 2019 йилда 900 та), улар билан таъминланиш даражаси ҳали ҳам жуда паст, чунки миқдорий ўсиш асосан

⁸ Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

кичик улгуржи ва воситачилик тузилмалари ҳамда ташқи савдо компаниялари ривожланиши ҳисобига амалга оширилади. Иқтисодий фаолият тури мева ва сабзавотлар улгуржи савдоси бўлган йирик тижорат корхоналарининг жами маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушумидаги ҳиссаси 2015 йилда 12,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 0,19 фоизни ташкил этган.


Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари чакана савдоси билан шуғулланувчи корхоналарнинг аксарият қисми хусусий мулкка эга компаниялар сифатида фаолият юритади. Мева-сабзавот маҳсулотлари чакана савдоси тизимли равишда бирлаштириш жараёни ҳам Ўзбекистонда амалга ошириляётганлиги ва савдо тармоқларининг кенгайиб бориши кузатилган.

Бирок, Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотларининг қарийб 60 фоизидан ортиғи истеъмолчиларга деҳқон бозорлари орқали етиб боради ва бу бўғин ушбу бозорни тартибга солувчи асосий канал ҳисобланади. Деҳқон бозори савдосининг ривожланиш қонуниятлари далолат берадики, амалга ошириляётган ислохотлар бозор фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Ихтисослашган дўконларда мевалар ва сабзавотлар чакана савдоси бўлган кичик корхона ва микрофирмаларнинг 2015-2020 йиллар давомидаги рентабеллик даражаси пасайиш тенденциясига эга.

Маркетинг каналлари иштирокчиларининг истеъмол қийматини максимал даражада шакллантиришда истеъмолчи нуқтаи назаридан ёндашиш рақобатда устунликнинг асосий манбаи ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, маркетинг каналлари иштирокчиларидан ўзаро интеграциялашган тизим асосида фаолият юритишга ихтисослашиш талаб этилади.

Савдо маркетинги тизимида бозор механизмлари шаклланиши учун рақобатчи ва истеъмолчилар хулқ-атвори шакллари, савдо маркетинги фаолияти самарадорлигини ошириш учун рақобатбардош устунликлар ва захираларни таъминлашнинг ички манбалари мавжудлигини чуқур англашни талаб этади. Ҳозирги кунда савдо маркетинги самарадорлигини баҳолаш муаммосига эътибор кучайиши, корхоналарнинг савдо фаолияти соҳасига инвестиция қилинган ресурслардан фойдаланишдаги муаммоларни бартараф этиш билан боғлиқ.

Савдо маркетинги учун харидорларга маҳсулот етказиб бериш ва уларни якуний истеъмолчига сотишни таъминлашда бизнес ҳамкорларнинг ўзаро таъсири муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, қуйидаги асосий истикболларни ажратиб кўрсатиш таклиф этилади, булар: иқтисодий натижалар, мижозлар ҳамда ҳамкорлар.



3-расм. Савдо маркетинги самарадорлигини баҳолаш бўйича услубий ёндашувлар⁹

⁹ Муаллиф ишланмаси.

Синергия таъсирини кучайтириш орқали савдо маркетингининг умумий самарадорлигини таъминлаш орқали маркетингдаги тарқатиш каналларида узоқ муддатли барқарор рақобатбардош устунликларни таъминлаш имконияти мавжуд. Шундай қилиб, корхоналар ривожланишининг стратегик йўналишларини белгиловчи савдо маркетингининг стратегик кўрсаткичлари харитаси моделини 3-расмга кўра шакллантириш тавсия этилади.

Юқоридагилар билан бирга савдо маркетинги жараёнида вужудга келувчи синергетик самарага эришиш омилларини ҳам ҳисоблаш мақсадга мувофиқ бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- маркетингни тарқатиш каналлари иштирокчилари фаолиятининг юқори иқтисодий натижаларига эришиши туфайли олинган иқтисодий синергия таъсири (сотиш ҳажми ошиши, рентабеллик ошиши, харажатларнинг камайиши);

- товарларнинг истеъмол қийматини ошириш жараёнида юзага келувчи синергия таъсири, бу ўз навбатида, истеъмолчи ва харидорларнинг қониқиш ҳамда истеъмолчилар содиқлиги ошишига таъсир кўрсатади, доимий харидорлар доираси кенгаяди;

- тарқатиш каналларида маркетинг логистикасининг бизнес жараёнларини оптималлаштириш ва уларнинг иштирокчилари ўртасидаги ўзаро таъсир қийматини ошириш имконини берувчи бизнес шерикларининг қониқиш даражаси, самарали ҳамкорлик ва шерикларнинг сўровларига тезкор жавоб бериш натижасида юзага келувчи ўзаро муносабатнинг синергия таъсири;

- оптимал маркетинг архитектурасини шакллантириш доирасида савдо жараёнлари иштирокчиларининг ўзаро алоқаси жараёнида юзага келувчи маркетингдаги тарқатиш каналлари иштирокчиларининг синергия самараси.

Савдо маркетинги самарадорлигини баҳолаш жараёнида корхоналарнинг маркетинг дастурларини маркетинг ўлчовларини амалга оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларини сифат ва миқдор жиҳатидан таҳлил қилиш учун зарур асосий кўрсаткичларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади, улар маркетинг самарадорлигини иқтисодий нуқтаи назардан баҳолаш, кўплаб молиявий ва номолиявий кўплаб кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Савдо маркетинги самарадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткич унинг савдо жараёнлари иштирокчиларининг маркетинг фаолияти кўрсаткичлари бўлиб, у истеъмолчилар талабини мақсадли қондириш, брендга мойиллигини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шакллантирилган услубий ёндашув корхоналар учун савдо маркетинги самарадорлигини баҳолаш унинг натижалари асосида рақобатда устунликни таъминлашга қаратилган стратегик мақсадлар белгилаш иконини беради. Шуниндек, маркетинг кўрсаткичларини қўллаган ҳолда савдо маркетинги самарадорлигини баҳолаш натижалари корхоналар маркетингида молиявий фаолият билан бирлаштирилган шаклларда амалга оширишилиши лозим.

Диссертациянинг «Мева-сабзавот маҳсулотларини сотишда маркетинг стратегияларидан фойдаланишни такомиллаштириш ва

самарадорлигини ошириш» деб номланган учинчи бобида мева-сабзавот маҳсулотлари маркетингида тақсимот каналлари иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган. Савдо маркетингида ўзаро муносабатлар стратегияларидан фойдаланиш асосида истеъмол қиймати самарадорлигини ошириш ҳамда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларнинг савдо маркетинг стратегиялари таклиф этилган.

Самарали тақсимот каналларини шакллантириш маркетингнинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Маркетингнинг тақсимот каналлари қиймат занжирининг муҳим бўғини бўлиб, товарларни ишлаб чиқарувчидан то истеъмолчига етказиб беришни таъминлаган ҳолда функционал жиҳатдан ўзаро боғлиқ хўжалик юритувчи субъектлар манфаатлари уйғунлигини таъминлашга ёрдам беради, натижада истеъмол қиймати шаклланади.

Тақсимот каналларидаги ўзаро муносабатлар бўйича хорижий илмий адабиётлар таҳлиллари асосида муаллиф томонидан тўрт йўналишдаги методологик ёндашувлар шаклланганлиги аниқланган, улар: логистик, эволюцион, портфель, тармоқ ёндашувлари. Уларнинг ҳар бири иштирокчиларда ўзаро муносабатлар тўғрисидаги тасаввурларни шакллантиришга хизмат қилади.

Бизнесдаги ўзаро муносабатлар деганда бизнес ҳамкорлар ўртасида ўзаро манфаатли қўшма ҳаракатлар ва таваккалчиликка асосланган, умумий мақсадлар ва яхши натижаларга эришиш учун маҳсулотни тақсимлаш жараёнида маркетинг каналларидаги ўзаро муносабатлар шакли тушунилади. Бизнес ҳамкорлик асосида икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар биргаликда умумий қиймат яратиш учун ҳамкорликда ишлашни назарда тутлади. Бошқача айтганда, улар ташқи муҳит таъсир, транзакция харажатларини камайтириш ва қўшма маркетинг ҳаракатларидан синергия самарасини ошириш учун маълум ресурсларни сарфлайдилар ва харид қийматини яратиш учун кучларни бирлаштирадидилар.

Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирувчи деҳқон ва фермер хўжаликлари, улгуржи ва чакана савдо корхоналари ҳамда уларни сотувчи чакана савдо тармоқларининг умумий ҳамкорлик муносабатлари даражаси, ўзаро зиддиятли муносабатларнинг юзага келиши ҳамда ҳамкорлик қилишга тайёрлик даражаси паст.

Ўзаро алоқалар сифатини баҳолаш, ҳамкорликни ривожлантириш ёки тўхтатиш истиқболларини аниқлаш, маркетингнинг тарқатиш каналларида алоқаларни яхшилаш учун мумкин бўлган захираларни аниқлаш имконини берувчи асосий кўрсаткич ўзаро таъсирнинг қиймати бўлиб, улар олинган афзаллик ва имтиёзлар билан белгиланади.

Жаҳон амалиёти истеъмолчиларни сегментлашда RFM таҳлил усулидан фойдаланиш самарали. RFM таҳлили мижозлар базасини сегментлаш ва мақсадли харидорларни аниқлашга қаратилган маркетинг воситасидир. RFM таҳлилда мижозлар базаси қуйидаги мезонлар асосида ўлчанади (1-жадвал).

1-жадвал

Мева-сабзавот маҳсулотлари бозор субъектларининг мижозлар сегментини RFM таҳлил усулида баҳолаш учун эксперт шкаласи¹⁰

Баллар Мезонлар	Баҳолаш мезонлари бўйича баллар				
	1	2	3	4	5
Мижоз билан муносабатлар давомийлиги (D)	1 йил	1-2 йил	3-4 йил	4-5 йил	5 йилдан ошиқ
Мижоз буюртмасининг такрорланиш сони (J)	Йилига 3 тадан кам буюртма	Йилига 5 тадан кам буюртма	Йилига 8 тадан кам буюртма	Йилига 10 тадан кам буюртма	Йилига 15 тадан кам буюртма
Маълум вақт давомида жами буюртмалар ҳажми (G)	Йиллик буюртмалар миқдори 50 тоннагача	Йиллик буюртмалар миқдори 50-100 тонна	Йиллик буюртмалар миқдори 100-200 тонна	Йиллик буюртмалар миқдори 200-300 тонна	Йиллик буюртмалар миқдори 300 тоннадан юқори

